



CRYPTOASSETS AS OBJECTS OF CRIME: LEGAL ISSUES IN THE CONTEXT OF CORRUPTION-RELATED OFFENSES

Khurshidjon Rakhmatullaev

Senior Prosecutor of the Department for Supervision of the Implementation of Legislation in the Fields of Foreign Trade, Investments and Entrepreneurship, 1st Class Lawyer

Navoi Regional Prosecutor's Office

Navoi, Uzbekistan

E-mail: xurshid_02_93@bk.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: cryptoasset, cryptocurrency, corruption offenses, bribery, blockchain, digital economy, object of crime, criminal law.

Received: 06.05.25

Accepted: 08.05.25

Published: 10.05.25

Abstract: This article analyzes the legal, theoretical, and practical challenges related to recognizing cryptoassets as objects of crime within corruption-related offenses. Special attention is given to the legal status of cryptoassets under the legislation of the Republic of Uzbekistan and their role in the qualification of crimes of a corrupt nature.

ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА КРИПТОАКТИВЛАР: КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР

Хуршидҷон Раҳматуллаев

ташқи савдо, инвестициялар ва тадбиркорлик соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори, 1-даражали юрист

Навоий вилоят прокуратураси

Навоий, Ўзбекистон

E-mail: xurshid_02_93@bk.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: крипто-актив, криптовалюта, коррупцион жиноятлар, пора, блокчейн, рақамли иқтисодиёт, жиноят предмети, жиноят ҳуқуқи.

Аннотация: Мазкур мақолада коррупциявий жиноятларнинг коррупциявий жиноятларда жиноят предмети сифатида қаралишига оид ҳуқуқий, назарий ва амалий муаммолар таҳлил қилинади. Крипто-активларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ҳуқуқий макоми коррупцион характерга эга жиноятларни квалификация қилишда крипто-активнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.

**КРИПТОАКТИВЫ КАК ПРЕДМЕТ ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ
В КОНТЕКСТЕ КОРРУПЦИОННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ****Хуршидjon Рахматуллаев***Старший прокурор отдела по надзору за исполнением законодательства в сфере внешней торговли, инвестиций и предпринимательства, юрист I класса**Прокуратура Навоийской области**Навои, Узбекистан**E-mail: xurshid_02_93@bk.ru***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: криптовалюта, криптовалюта, преступления, взяточничество, цифровая экономика, преступления, уголовное право.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые, теоретические и практические проблемы признания криптовалют предметом преступления в составе коррупционных правонарушений. Особое внимание уделяется вопросу правового статуса криптовалют в законодательстве Республики Узбекистан и их роли при квалификации преступлений, имеющих коррупционный характер.

Инсоният тараққийи тарихи шундан далолат берадики, одамлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, айниқса, айирбошлаш, савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш каби муносабатлар қадимий даврлардан бошлаб ривожланиб келган. Бу муносабатлар ҳар бир тараққийёт босқичида муайян шакл ва воситалар орқали амалга оширилган. Илк жамиятларда товарлар айирбошлаш йўли билан муомала қилинган бўлса, кейинчалик бу вазифани муайян қийматга эга бўлган моддий воситалар — қимматбаҳо тошлар, металл тангалар, қоғоз пуллар ва ниҳоят, рақамли молиявий инструментлар бажара бошлади.

Бу воситалар фақатгина иқтисодий муносабатларни эмас, балки ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий тизимларни ҳам белгиловчи муҳим омиллардан бирига айланди. Айни пайтда, рақамли иқтисодийёт ва ахборот технологиялари ривожини натижасида янги форматдаги активлар — крипто-активлар вужудга келди. Улар анъанавий қимматликлардан фарқли ўлароқ, децентрализациялашган, блокчейн технологиясига асосланган ва глобал миқёсда муомалада бўладиган янги молиявий воситалардир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, крипто-активлар инсон тараққийи тарихидаги моддий қийматликлар эволюциясининг навбатдаги босқичи сифатида намоён бўлмоқда. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, иқтисодий аҳамияти ва жинойий фаолиятдаги ўрнини чуқур ўрганиш бугунги куннинг долзарб илмий масалаларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, коррупцион жинойятларда крипто-активлардан фойдаланиш ҳолатлари сўнгги йилларда кўпайиб бормоқда. Масалан, коррупция, пора бериш ва олиш, воситачилик қилиш каби жинойятларда крипто-активлар махфий тўлов воситаси ёки ноқонуний актив сифатида қўлланилиши мумкин.

Мисол тариқасида, коррупцион жиноятнинг предмети сифатида криптоактив қўлланилган ҳолати сифатида Россия Федерацияси тажрибасига мурожаат қилиш мумкин. Жумладан, “Россия Тергув қўмитасининг Москва шаҳри Твер тумани бўйича собиқ тергов бўлими бошлиғи Марат Тамбиев 2718 биткойн миқдорида (тахминан 7,3 миллиард рубль) пора олганликда айбланиб, 2024 йил 8 октябрда суд томонидан 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлиб, ҳукм 2025 йилнинг 14 январидан кучга кирган”.

Ушбу ҳолат, криптоактивлар моддий қимматга эга рақамли бойлик сифатида амалиётда коррупцион жиноятларнинг предмети сифатида ишлатилиши мумкинлигини яққол тасдиқлайди. Бу эса, жиноят ҳуқуқи назариясида криптоактивларни жиноят предмети сифатида ҳуқуқий баҳолаш заруратини янада кучайтиради.

Шу сабабли, бундай жиноят турларини аниқлаш ва таҳлил қилишда криптоактивларнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг жиноят предмети сифатидаги хусусиятларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Крипто-активларнинг ўзига хос хусусиятлари - марказлашмаганлик, транзакцияларнинг квази-анонимлиги, трансчегаравий характери ва давлат назоратидан нисбатан эркинлиги уларни коррупционерлар учун жозибали қилади. Бундай активлар пул олиш ва пора бериш жинойий фаолиятларда тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий қонунчилигимизда қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида крипто-активлар билан боғлиқ коррупцион жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уларга қарши самарали курашиш борасида муҳим вазифаларни қўймоқда.

Коррупцион жиноятларнинг предмети сифатида криптоактивни таҳлил қилишдан аввало, жиноят предметининг тўғрисидаги назарий ва ҳуқуқий концепцияни кўриб чиқиш муҳимдир.

Жинояти предмети тушунчаси ҳуқуқшунос-олимлар томонидан турлича таърифланади. Жумладан, М.Х.Рустамбаев “жиноят предмети – жиноят объектига нисбатан тажовуз қилишда айбдор шахс тўғридан-тўғри таъсир этадиган, у туфайли ёки унинг учун жиноят содир қилинган объектив оламдаги жонли ёки жонсиз моддий нарсалар” деб таърифлаган.

Мазкур таърифга ўхшаш таърифни бошқа бир гуруҳ муаллифлар томонидан ҳам “Жиноят предмети - жиноят содир этиш пайтида унда иштирок этадиган ташқи дунё моддий неъмат” деб ўхшаш таъриф берган.

Бизнинг фикримизча, жиноят предметида доир амалдаги таъриф ҳозирги замонавий ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар нуктаи назаридан тор доирада берилган. Чунки

замонавий рақамли иқтисодиётда жиноий фаолият воситаси сифатида фақатгина моддий объектлар эмас, балки номоддий, иқтисодий қийматга эга бўлган активлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, криптоактивлар шулар жумласидандир. Улар моддий шаклга эга бўлмаган бўлса-да, реал пулларга ўхшаш равишда иқтисодий айланмада қийматга эга ва мулкий муносабатларнинг мустақил объекти сифатида иштирок этади. Шу боис, улар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам эътиборга олиниши, жиноят предмети сифатида эътироф этилиши зарур.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, жиноят предмети тушунчасини фақатгина моддий мол-мулк билан чеклаш амалий ва назарий жиҳатдан тўлақонли ечим эмас. Қонунчиликдаги ушбу тушунчага қайта назар ташлаш ва унга рақамли, номоддий иқтисодий ресурсларни ҳам қамраб олиш имконини берувчи кенг қўламли ёндашув талаб этилади. Бу нафақат жиноятларни тўғри квалификация қилишда, балки уларни олдини олиш ва ҳуқуқни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизга мос равишда, жиноят предмети тушунчасини кенг қамровли ва замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда талқин қилиш зарурлиги таниқли олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган.

Шу жиҳатдан, Х.Р. Очилов, Ш.Д. Хайдаров ва З.З. Шамсидиновлар ўз тадқиқотларида жиноят предметиға қуйидагича таъриф беришган: “Жиноят предмети бу - ижтимоий хаволи тажовуз каратилган моддий ва номоддий дунё неъматидир”.

Ушбу таъриф жиноят ҳуқуқи назариясидаги анъанавий ёндашувдан фарқли равишда, жиноят предмети тушунчасини фақат моддий бойликлар билан чеклаб қўймасдан, кенгрок миқёсда – яъни номоддий, иқтисодий ва ахборот ресурсларини ҳам ўз ичига олган ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини асослаб беради.

Бу эса, айниқса, криптоактивлар каби замонавий рақамли активларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашда, уларни коррупцион жиноятлар каби ижтимоий хавфли ҳаракатлар доирасида жиноят предмети сифатида баҳолашда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Коррупцион жиноятларнинг предмети масаласига доир турли қарашлар мавжуд бўлиб, бир қатор ҳуқуқшунос-олимларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, профессор М.Х. Рустамбаев ўз тадқиқотларида «Пул, валюта қимматликлари, қимматбаҳо буюмлар, автомобиллар ва бошқа ҳар қандай мол-мулк, озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, антиқа буюмлар ва ҳоказолар, яъни моддий қимматга эга бўлган ҳар қандай нарсалар ёки мулк хусусиятдаги наф кўриш (санаторийга

йўлланма, туристик йўлланма, бирон-бир пулли хизматни кўрсатиш кабилар) поранинг предмети бўлиши мумкин» деб таъриф берган.

Шу билан бирга, «Мулкий характерга эга бўлмаган фойдалари пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс манфаатларига қаратилган ўз ҳаракатлари учун номоддий характердаги хизматлар олиш: ижобий тавсифнома, тавсиянома, мақолага тақриз ва бошқалар. Шунингдек, мансабдор шахс томонидан бирор ҳаракат содир этилганлиги учун у билан жинсий алоқага киришиш ҳам пора предмети ҳисобланмайди; бундай ҳолатлар муайян шартлар мавжуд бўлган тақдирда ЖКнинг 121-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин» деб таъкидлаган.

Ушбу қарашдан келиб чиқиб, коррупцион жиноятлардаги жиноят предмети фақат анъанавий моддий объектлар билан чекланмасдан, рақамли иқтисодиёт шароитида криптоактивлар каби иқтисодий қийматга эга номоддий активларни ҳам ўз ичига олиши лозим. Бу, ўз навбатида, жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида янги ёндашувларни талаб қилади.

Демак, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, номоддий қимматлик олиши амалда жиноят қонунчилигида коррупцион жиноятлар таркибини бермаслиги мумкин.

Бу эса, жиноят ҳуқуқининг муҳим принципларидан бири бўлган адолат, қонунийлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойилларининг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда коррупцион жиноят предмети асосан моддий қимматликлар ва мулкий манфаатлар билан чегараланган бўлиб, бу ёндашув рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари жадал ривожланаётган замонавий ҳуқуқий муносабатлар шароитида етарлича самарали ҳисобланмайди.

Чунки криптоактивлар — бу моддий шаклга эга бўлмаган, аммо иқтисодий айланмада реал қийматга эга бўлган ресурслардир. Улар орқали амалга оширилган пора бериш ёки олиш ва бошқа коррупцион жиноятлар амалда мавжуд бўлса-да, қонунчиликдаги чекланган таърифлар туфайли ҳуқуқий баҳосини топмаслиги мумкин.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, коррупциявий жиноятлар предмети тўғрисидаги ҳуқуқий тушунчани қайта кўриб чиқиш, уни номоддий, иқтисодий қийматга эга бўлган бойликлар билан бойитиш, жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида муҳим илмий-амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида “коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий

манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш” деб таъриф берилган.

Ушбу таърифда моддий наф билан бир қаторда номоддий наф ҳам коррупциявий фаолият доирасига киритилганлиги, жиноят ҳуқуқи назариясида “коррупцион жиноятларнинг предмети”га оид тушунчани фақат моддий бойликлар билан чеклаш амалий ва назарий жиҳатдан етарлича самарали эмаслигини янада равшанлаштиради.

Бу эса, криптоактивлар, рақамли активлар, ахборот ресурслари каби янги турдаги бойликларни ҳам жиноят ҳуқуқи доирасида коррупцион жиноятларнинг предмети сифатида қайта баҳолаш ва уларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чораларни белгилаш заруратини асослаб беради.

Крипто-активларнинг амалдаги қонунчилигимизга Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-899-сонли қонуни билан Жиноят кодексининг VIII бўлимига “крипто-актив -маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндисини ифодаладиган, қиймати ва эгасига эга бўлган мулкӣ ҳуқуқ” деб ўзгартириш киритилди.

Мазкур ўзгартириш орқали крипто-активлар мамлакат қонунчилигида алоҳида турдаги мулкӣ ҳуқуқ объекти сифатида тан олинди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Бу янгилик рақамли активларнинг ҳуқуқий айланмасини қонунӣ асосда амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, бу ҳолат жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам жиддий назарӣ ва амалий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг 210-моддасига асосан “Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши” белгиланган.

Мазкур модданинг диспозициясида мансабдор шахс томонидан моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши жиноят таркибининг асосӣ таркибий қисми сифатида белгиланган. Бироқ, крипто-активлар ёки номоддий қийматликлар мазкур модда диспозициясида тўғридан-тўғри тилга олинмаганлиги, уларнинг юридик табиати тўлиқ очиб берилмаганлиги амалиётда икки хил ҳуқуқий ёндашув юзага келиш хавфини туғдиради.

Биринчидан, моддий қимматлик тушунчаси фақат моддий жисмга эга активлар билан чекланади деб қаралади. Бу ҳолда, крипто-активлар номоддий хусусиятга эга бўлгани учун жинойт предмети сифатида қабул қилинмаслиги мумкин.

Иккинчидан, моддий қимматлик ва мулкый манфаат тушунчалари иқтисодий қийматга эга ҳар қандай активни ўз ичига олиши мумкин деб ҳисобланади. Шу асосда крипто-активлар ҳам жинойт предмети сифатида эътироф этилади.

Бу икки қараш ўртасидаги қарама-қаршилик ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувнинг йўқлигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига кўра, “пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шarti билан, лекин мулкый моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин” деб кўрсатилган.

Бу ҳолат жинойт ҳуқуқи назариясида "пора" ва "жинойт предмети" тушунчаларининг мазмунини моддий жиҳат билангина чегаралаш муаммоларини очиб беради. Шу нуқтаи назардан, жинойт предмети фақат анъанавий моддий объектлар билан эмас, балки иқтисодий қийматга эга бўлган бошқа шакллар — хусусан, рақамли активлар ва криптоактивлар билан ҳам ифода этилиши мумкинлиги кўриниб турибди.

Ҳуқуқий таҳлил шуни англатадики, агар амалдаги қонунчиликда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида криптоактивлар, NFTлар, блокчейн асосидаги рақамли активлар каби янги иқтисодий воситалар ҳам мулкый манфаат сифатида қабул қилинса, улар пора предмети сифатида баҳоланиши ва тегишли жавобгарлик чоралари билан қўллаб-қувватланиши мумкин.

Шундай қилиб, мазкур Пленум қарорининг қоидалари асосида, жинойт ҳуқуқидаги "жинойт предмети" таърифини рақамли иқтисодиёт шароитида қайта кўриб чиқиш, жинорий фаолиятнинг янги кўринишларига ҳуқуқий муносабат билдиришда муҳим назарий ва амалий асос бўлади.

Шу муносабат билан, жинойт ҳуқуқи назариясида моддий қимматлик ва мулкый манфаат тушунчаларини замонавий иқтисодий ва рақамли воқеликни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва крипто-активларнинг жинорий-ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қонунчиликда аниқ ва очик-ойдин таърифларнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқни қўллаш органлари учун қонунийлик ва барқарорликни таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида крипто-активлар, токенлар, NFT ва бошқа рақамли активларни жинойт содир этишда восита сифатида фойдаланилганлиги, жинойт натижасида олинганлиги ҳамда пора сифатида таклиф қилинган ёки қабул қилинган

активлар деб қабул қилиниши яъни жиноят предмети сифатида квалификация қилиш имконини яратади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 192⁹ – модда (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192¹⁰-модда (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 211-модда (Пора бериш), 212-модда (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш), 213-модда (Хизматчини пора эвазига оғдириб олиш), 214-модда (Хизматчининг моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), 214¹-модда (Спорт иштирокчилари ташкилотчиларининг моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши) ва 214²-модда (Спорт иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш) диспозицияларида моддий қимматликлар олиш ва мулкый манфаатдор бўлиш жинойий хатти-ҳаракатнинг элементи сифатида кўрсатилган.

Жиноят ҳукуқи назариясидаги анъанавий "жиноят предмети" тушунчаси кўпинча моддий активлар билан чекланган бўлиб, бу рақамли активлар, жумладан, криптоактивларни қамраб олмаслиги натижасида амалиётда ҳукукий бўшлиқ вужудга келмоқда. Амалий мисол сифатида, Россияда 2718 биткойн миқдоридаги пора билан боғлиқ жиноят иши, шундай рақамли активлар ҳам коррупция воситасига айланиши мумкинлигини яққол намоён этмоқда.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида жиноят ҳукуқидаги “жиноят предмети” тушунчасини қайта кўриб чиқиб, унинг доирасига номоддий қимматликларни ҳам қўшиш зарурияти туғилмоқда. Бу нафақат юридик аниқликни таъминлайди, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида изчилликни шакллантиради ва коррупцияга қарши самарали курашда янги ҳуқуқий воситаларни жорий этиш имконини беради.

Миллий жиноят қонунчилигида крипто-активлар рақамли иқтисодиётнинг муҳим элементи бўлиб, улар нафақат инновацион тўлов воситаси, балки коррупцион жиноятлар предмети сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Крипто-активлар билан боғлиқ коррупцион жиноятларни самарали олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун миллий қонунчиликда крипто-активларни коррупцион жиноятлар предмети сифатида эътироф этиш лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси; <https://lex.uz/docs/-111453>;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1449106>;

4. Рустамбаев М.Х. “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 1-том. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 489 Б
5. Рустамбаев М.Х. “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 392-бет;
6. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З."Жиноят ҳуқуқи" (Умумий қисм). Ўқув қўлланма - Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. 172 б.;
7. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). Юридик техникум ўқувчилари учун дарслик.-Т: ТДЮУ нашриёти, 2021. 304 б.
8. bit.ly/4ipf3OR қисқартирилган ҳавола. <https://balashihinsky--mo.sudrf.ru> саҳифасига 24.04.2024 йилда мурожаат қилинган.
9. <https://lex.uz>